

Oriental Journal of Philology**ORIENTAL JOURNAL OF PHILOLOGY**

journal homepage:

<http://www.supportscience.uz/index.php/ojp/about>**EPITHETS CHARACTERISTIC OF FEMALE CHARACTERS IN ARABIC FAIRY TALES****Shirin I. Zaynutdinova***Senior Lecturer**Higher School of Arabic Studies**Tashkent State University of Oriental Studies*zajnutdinovasirin@gmail.com*Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

Key words: Arabian Peninsula, magical fairy tale, image of a female hero, epithets, literary devices, figurative devices, national identity.

Received: 08.05.26**Accepted:** 09.05.26**Published:** 10.05.26

Abstract: This article examines the image of women in the magical fairy tales of the peoples of the Arabian Peninsula, providing a description of this image and paying special attention to the role of epithets, similes, and hyperbole in the creation of female characters. By studying the distinctive features of female protagonists in Arabic magical tales, the paper offers scholarly reflections on the methods of character creation and typification. It also reveals the specific features of epithets through a comparative analysis of their use in the genres of fairy tales and sira.

**АРАБ ЭРТАКЛАРИДА АЁЛ ҚАҲРАМОНЛАРГА ХОС БАДИИЙ СИФАТЛАШ
(ЭПИТЕТ)****Ширин И. Зайнутдинова***Катта ўқитувчи**Арабшунослик олий мактаби**Тошкент давлат шарқшунослик университет*zajnutdinovasirin@gmail.com*Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

Калит сўзлар: Арабистон ярим ороли, сеҳрли эртақ, аёл қаҳрамон образи, бадий сифатлаш, бадий воситалар, тасвирий воситалар, миллий ўзига хослик.

Аннотация: Мазкур мақолада Арабистон ярим ороли халқларининг сеҳрли эртақларида аёл образи, унинг тавсифи ҳамда айниқса аёл қаҳрамон образини яратишда эпитет, таққослаш ва муболаганинг аҳамияти таҳлил қилинади.

Араб сеҳрли эртақларида аёл қаҳрамонга хос хусусиятларни ўрганиш орқали образ яратиш ва типлаштириш усуллари ҳақида илмий мулоҳазалар билдирилади. Шу билан бирга, эртақ ва сира жанрларида қўлланилган эпитетларни таққосий таҳлил қилиш орқали уларнинг ўзига хос жиҳатлари ёритиб берилди.

ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ ЭПИТЕТЫ, ХАРАКТЕРНЫЕ ДЛЯ ЖЕНСКИХ ПЕРСОНАЖЕЙ В АРАВИЙСКИХ СКАЗКАХ

Ширин И. Зайнутдинова

Старший преподаватель

Высшая школа арабистики

Ташкентский государственный университет востоковедения,

zajnutdinovasirin@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Аравийский полуостров, волшебная сказка, образ женщины-героини, художественные изобразительные средства, национальная самобытность.	Аннотация: В данной статье рассматривается образ женщины в волшебных сказках народов Аравийского полуострова, даётся его характеристика, а также особое внимание уделяется роли эпитета, сравнения и гиперболы в создании образа женского персонажа. На основе изучения характерных черт женских героинь в арабских волшебных сказках высказываются научные суждения о способах создания и типизации образа. Кроме того, путём сопоставительного анализа эпитетов в жанрах сказки и сирь раскрываются их специфические особенности.
--	--

Кириш. Арабистон ярим ороли эртақларида аёл қаҳрамон образлари сюжетдаги функциясига кўра муайян тизимни ташкил этади. Уларни таҳлил қилишда персонажларнинг асардаги вазифаси асосий мезон сифатида қабул қилинади. Мазкур ёндашувга кўра, аёл қаҳрамонларни шартли равишда икки асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1. Эртақ якунида қаҳрамоннинг рафиқасига айланувчи маҳбуба аёл;
2. Етим ёки ижтимоий жиҳатдан таҳқирланган аёл қаҳрамон.

Бундан ташқари, аёл персонажлар қаҳрамонга ёрдамчи ёки рақиб вазифасини ҳам бажаради. Мазкур функциялар эртақ сюжетининг ривожланишида муҳим аҳамият касб этади.

Араб сеҳрли эртақларида сюжет таркиби ва қаҳрамонлар тизимининг ўзига хослиги унинг миллий ўзига хослигини кўрсатувчи асосий бадиий воситалардан бири сифатида тасвирий воситаларнинг муҳимлиги билан белгиланади. Ушбу мақолада эртақ қаҳрамонлар, хусусан аёл қаҳрамон образини яратишда эпитет, таққослаш ва муболағанинг аҳамиятини кўриб чиқамиз.

Муҳокама ва натижалар. Араб эртақларида қаҳрамон маҳбубаси анъанавий равишда идеал гўзаллик соҳиби сифатида тасвирланади. Одатда, бу аёл қаҳрамон жуда чиройли ва гўзал қилиб тасвирланади:

- У худди куёшга ўхшайди, ундан нур ёғилади ёки биллур каби тиниқ...
- У худди ёқут каби...

Унинг ташқи кўриниши кўпинча поэтик таққослашлар орқали ифодаланади: юзи тўлин ойга, пешонаси ярим ойга, чеҳраси куёшга қиёсланади. Бундай тасвирлар араб фольклорига хос бўлган турғун бадиий қолипларга асосланади.

Қаҳрамон маҳбубасига хос асосий белгилар қуйидагилардан иборат:

- беқиёс гўзаллик;
- етиб бўлмас, махфий маконда яшаш;
- сеҳрли буюмлар ёки ғайриоддий кучга эга бўлиш.

Сюжет ривожига қаҳрамон ўз маҳбубасига етишиш учун турли синовлардан ўтади. Бу синовлар топишмоқларни ечиш, оғир вазифаларни бажариш ёки жанг қилиш каби ҳолатларда намоён бўлади. Айрим ҳолларда маҳбуба эркак кийимида намоён бўлиб, қаҳрамон билан жангга киришади. Ушбу мотив араб қаҳрамонлик эпослари ва сеҳрли эртақлари учун умумий хусусият ҳисобланади.

Қаҳрамон маҳбубаси – кизнинг чиройи ҳам араб қаҳрамонлик эпосларида қуйидагича таърифланади: “унинг юзи (оразини) тўлин ойни эслатади”, “бирок унинг манглайи ундан-да чиройли бўлиб, худди ярим ойнинг ярқирашига ўхшайди”. Араб фольклорига, шу жумладан, Арабистон ярим ороли сеҳрли эртақларида аёл чиройини турғун андозадан фойдаланиб, ҳар бир аъзосини турли кўринишларда таърифлаш имконияти бир хил эканлигини билиш қийин эмас (Mukhtarov, 1992, p. 93).

Барча эртақларда қаҳрамон ўз маҳбубасини қўлга киритиш учун қилган ҳаракатлари ҳақида сўз юритилганда, албатта, маҳбубанинг чиройи ҳақида баён қилинади. Бу кизни, одатда, ифрит кўриқлайди ва қаҳрамон кўпинча киз ёрдами туфайли унинг устидан ғолиб бўлади. Бошқа бир воқеада киз ифрит-нинг сеҳрли жодуси остида бўлиб, қаҳрамон уни ҳайдаши керак бўлади. Яна бошқа бир воқеада, қаҳрамон-маҳбуба киз қаҳрамонга турли талаблар қўяди: киз берган топишмоқни топиш ёки уни кулдириш. Кўпинча аёл қаҳрамон эркаклар кийимини кийиб олиб, ўз аёллик қиёфасини беркитади. Бундай вақтларда

қахрамон ўзининг бўлажак маҳбубаси билан жангга киришади. Эртақ қахрамонининг эркак кийимини кийиб олган қиз билан жанг олиб боришини тасвирлаш арабларнинг сеҳрли эртақ ва қахрамонлик эпослари учун умумий анъана ҳисобланади (Ibragimov, 1984).

Мазкур мотивнинг бир-бирига ўхшашига қарамасдан, бундай тасвирлар вазифаси асар қандай жанрга мансублиги жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Эпосда (“Антара”, “Киссет Амир Хамза” ва бошқалар) жанг олиб бориш кўпинча, бирор-бир нарсанинг қасоси, масалан, ўлдирилган ота, ўғил, дўст бўлса, сеҳрли эртақда эса, доимо маҳбубни синаш ва албатта, эртақдаги қахрамон аёлининг қахрамонга хотин бўлиши мақсадида жанг олиб борилади.

Арабистон ярим ороли сеҳрли эртақларида қахрамон аёл – қахрамон маҳбубасининг асо-сий хусусияти – унинг чиройи, яқин йўлаб бўлмайдиган жойда яшаши, сеҳрли буюмга эга бўлишидир. Кўпинча бундай аёл қахрамон қахрамонни турли йўллар билан синаб, ундан ҳар хил қийин вазифаларни бажаришни талаб этади ва уларни бажаргандан кейин-гина унга хотин бўлади. Етим ёки камситилган аёл қахрамон образи араб эртақларида алоҳида типни ташкил этиб, ушбу образда ташқи гўзаллик иккинчи даражали бўлиб, асосий эътибор қахрамоннинг ички фазилатларига қаратилади. Ушбу типга хос асосий хусусиятлар:

- ақл-заковат ва зийраклик;
- меҳнатсеварлик;
- меҳрибонлик ва инсонпарварлик.

Бундай қахрамонлар кўпинча эртақ якунида ўзининг ҳақиқий қадрини намоён этади. Улар “истехзоли омад эгаси” типига яқин бўлиб, адолат ғоясини ифодалайди. “Етим қиз” ёки аниқроқ қилиб айтадиган бўлсак, у кимни қизи ёки ўғай қизи бўлишидан қатъий назар, ижтимоий жиҳатдан ноҳақ таҳқир-ланган қахрамон аёл учун бутунлай бошқа хусусиятлар берилади. Ара-бистон ярим ороли сеҳрли эртақларидаги бошқа аёл қахрамонлар каби унинг энг ўзига тортадиган фазилати – бу унинг чиройи гўзаллигидир. Лекин бу чирой, бирин-чидан, унинг бирламчи фазилати эмас, иккинчидан, бу нарса фақат эртақнинг охирида маълум бўлади. Қахрамон аёлнинг бундай типни кўп жиҳатдан эртақ охирида атрофдагиларга фази-латлари намоён бўладиган “истехзоли омад эгаси” типни билан ўхшашдир. Бундай типдаги қахрамон аёлнинг асосий фазилати – унинг ақл-заковати, меҳрибонлиги, зийраклиги ва албатта, меҳнат-севарлиги бўлиб, у ўзига муҳтож одамларга доимо ёрдам беришга тайёрдир (“Овчининг қизи”, “Туз”, “Елпиғич”) (Meletinskiy, 1958, p. 171).

Шарқда ўғай она ва ўғай қиз ҳақидаги эртақлар бир-бирига ўхшайди. Уларда ўғай она (ёки ўғай қиз) билан бир қаторда таҳқирланган аёл қахрамон кўпинча кичик хотин образида ҳам келади. Арабистон ярим ороли сеҳрли эртақлари сюжети, сюжет схемаси Европа

эртаклари кабидир, лекин аниқ мотивлар, ҳаракатларнинг ривожланиши Арабистон ярим ороли халқларининг маиший хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда тасвирланади (Meletinskiy, 1958, p. 207).

Арабистон ярим ороли сеҳрли эртакларидаги қаҳрамоннинг энг фаол ёрдамчиси худди бошқа халқларники каби унинг маҳбубаси (рафика)дир. Жуда кам воқеаларда бундай ёрдамчи унинг опа-синглиси ёки онаси бўлиши мумкин. Кўпинча унинг маҳбубаси рақиби устидан ғолиб келишида ёрдам беради. Маҳбуба кўпинча қаҳрамоннинг “нозик” томонларини билиб, унга ёрдам берганлиги учун қаҳрамон рақибини осонгина даф қилади.

– Қиз унинг гапларини эшитиб, деди: “У булут эмас, марид баҳайбатдир. Сен унга шундай зарба бергинки, бундай зарбани, ҳатто қизил жин ҳам бермаган бўлсин. Лекин, билгинки, маридни бошида осилиб турадиган ўзининг шамшири билан ўлдириш лозим. Бу сеҳрли шамширдир!” (“Саид ва Думия”).

Маҳбуба фойдали маслаҳат билан ҳам ёрдам бериши мумкин: “Қиз унга эътироз билдирди: “Сен биринчи бўлиб чиқ! Агар сенинг биродарларинг мени кўришса, ҳар бирида менга уйланиш хоҳиши пайдо бўлади, унда сен уларга керак бўлмай қоласан” (“Саид ва Думия”).

Маҳбубанинг бошқа анъанавий вазифаси – ўз маҳбубини кутқаришдир. Бунда у қаҳрамоннинг энг вафодор ёрдамчиси сифатида намоён бўлади, қиз туфайли қаҳрамон қийин вазифаларни ҳам уддалайди.

– Вақт ўтди, малика оламнинг тўрт томонини кезиб чиқиб, ўзига умр йўлдош топишга қарор қилди (“Султон Акбар”).

– Мени кўп йиллар мукаддам ўғирлаб кетган даҳшатли ва баджаҳл иблис-лар қайтиб келмоқда. Мен бир нарса ўйлаб топишим керак, бўлмаса, сен ўласан..., – ва вақтни бой бермасдан, қиз ўз маҳбубини супургига айлантириб қўйди (“Фатят аз-Замон”).

Кўпинча қаҳрамоннинг бойиб кетиши ва қийин аҳволдан чиқиши учун айнан хотини ёрдам беради (“Ақлли хотин”, “Аёл уй қурмоқда”, “Аёл макри”).

Айрим ҳолларда она ёки опа-сингил ҳам ёрдамчи вазифасини бажаради. Она образи айниқса муҳим бўлиб, у қаҳрамонга ҳаётини тажриба ва маънавий йўл-йўриқ беради. Қаҳрамоннинг онаси ҳам ёрдамчи бўлишига эпосдаги Али Зибакка ёки Антаранинг онаси образини эслаш кифоядир. Эртақда она, одатда, ўғлининг сафарга чиқишидан аввал қурол танлашида ёрдам беради, нималар қилишини айтади, кўпинча совчи сифатида намоён бўлиб, бу вазифани усталик билан бажариб, султоннинг қизини ўз ўғлига унаштиришга муваффақ бўлади.

Араб эртакларида қаҳрамоннинг энг муҳим ёрдамчиси кўпинча унинг маҳбубаси ёки хотини ҳисобланади. У қаҳрамонга турли вазиятларда ёрдам кўрсатади:

- душманни енгишда муҳим маслаҳатлар беради;
- сеҳрли сирларни очади;
- қаҳрамонни хавфдан кутқаради.

Қаҳрамоннинг ёрдамчиси сифатида келган маҳбуба, хотин ёки она тав-сифи Арабистон ярим ороли сеҳрли эртақларидаги қаҳрамон аёл образлари тавсифи билан умумийликка эга бўлиб, Арабистон ярим ороли халқлари эртақларидаги аёлларнинг умумий образларини намоён этади.

Кўриб турганимиздек, аёл қаҳрамонлар заҳар ҳам бўлади (кулмайдиган, султоннинг кизи), ғайриоддий хислатларга эга, кўпинча ғайриоддий куч ёки сеҳрли буюмларга эга бўлади. Қаҳрамоннинг ёрдамчиси ва-зифасини бажарув-чи маҳбуба, хотин ёки она, энг аввало, Арабистон ярим ороли сеҳрли эртагида аёллар образининг миллий ўзига хос ифодаси ҳисобланади. Ташқи кўриниши муҳим аҳамиятга эга бўлган эртақлардаги аёл қаҳрамонлардан фарқли равишда, ёрдамчи аёллар ташқи кўринишдан алоҳида бир белгиларга эга эмас ёки бу белгилар ҳақида фақат юзаки айтиб ўтилади. Асосий урғу – бу аёл персонажларнинг инсоний фази-латларига берилади. Уларнинг қилган ишларидан ақл (“Ақлли аёл”), фаросат ва зийраклик, эрга нисбатан садоқат ва вафодорлик намоён бўлади. Одатда, бу аёлларнинг қўлидан ҳамма иш келади. Арабистон ярим ороли аёллари характерининг бошқа қирралари қаҳрамоннинг онаси томонидан қилинган ишлар орқали очиб берилади. Араб эртақларида она образи миллий характерни ифодалашда муҳим ўрин тутаяди. У кўпинча бева, сабрли ва фарзандига садоқатли аёл сифатида тасвирланади. Она нафақат тарбиячи, балки маслаҳатчи ва ҳимоячи вазифасини ҳам бажаради.

Ушбу образ орқали халқнинг аёлга, хусусан онага бўлган ҳурмати ва идеал тасаввурлари намоён бўлади. Улар кўпинча бева бўлиб, ўз эрининг хотирасига содиқ қолган ҳолда, ўғлини ёлғиз ўзи ўстиради, унга ҳам она, ҳам ота бўлади, ишларида, оилавий ҳаётида ёрдам беради. Бундай образларда энг азиз аёл ҳақидаги халқ тасаввурлари намоён этилади ва бу жиҳатдан Арабистон ярим ороли сеҳрли эртақлари бошқа халқларнинг эртақлари билан ўхшашдир.

– Унинг олдида ўсмир чопиб бориб, у берган нонни еди ва унинг осилиб турган ўнг кўкрагидан иссиқ сутни эмди. Аёл унга қараб, деди: “Сенга нима керак, айт, мен сенга тукқан она бўлдим!” (“Рапанжа ва Таранжа”). Ўсмир унга гапириб берди ва йўл кўрсатишини сўради. Кампир жавоб берди: “Бу мумкин эмас, ўғлим, у ёққа йўл юриш кийин ва хавфли, олдинда сени кўп фалокат кутмоқда!”.

Бошқа воқеаларда кампирнинг қаҳрамонга ёрдами унинг ақлли насихат ёки оддий реал ҳаётда ифода этилади. Бундай вақтда, кампир образи миллий хусусият, миллий ўзига хослик тусига киради.

Маълумки, ҳозиргача эпитетнинг умумий қабул қилинган аниқ таърифи йўқ. Д.Қуронови “Адабиётшунослик луғати”даги маълумотга таянган ҳолда, “Эпитет – бадий сифатлаш; нарса ҳодисанинг белгисини образли ифодалайдиган бадий аниқловчи. Кўп ҳолларда эпитет белгини кўчма маъно орқали ифодалайди. Эпитетлар халқ оғзаки ижодида, шунингдек ёзма адабиётда анъанавий тарзда кенг қўлланилганлиги сабабли муайян турғунлик касб этган бўлиб, улар доимий, барқарор эпитетлар деб юритилади. Адабиётда ижодий индивидуалликнинг кучайиши баробарида бетакрор, нарса-ҳодисани кутилмаган жиҳатлардан тавсифловчи эпитетлар салмоғи ва қиммати ошиб боради. Бундай эпитетлар ифоданинг ёрқин, тасвирнинг бўлишига хизмат қилиб, эстетик таъсир кучини оширади”. (Quronov, 2010, p. 369)

Эпитет ва таққослаш араб эртакларида кенг қўлланилади, шунинг учун уларни эртакнинг бадий тузилишидаги асосий элементлардан бири деб ҳисоблаш мумкин. Араб эртакларида аёл қаҳрамон образини яратишда эпитет ва таққослаш муҳим бадий воситалар ҳисобланади. Эпитет предмет ёки шахснинг муҳим белгисини кучайтириб кўрсатишга хизмат қилади.

Араб сеҳрли эртакларида аёл қаҳрамонга хос эпитетларни ўрганиш, улар орқали образ яратиш ва типлаштириш усулларини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, эртак ва сира жанрларидаги эпитетларни таққослаш орқали уларнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилади.

Араб фольклорида қаҳрамон ва аёл қаҳрамоннинг тасвирида параллеллик кузатилади. Қаҳрамон қиз кўпинча етим қиз (بئيمة) ёки бева аёлнинг қизи (بنت الأرملة) сифатида тасвирланади.

Кўп ҳолларда у султон қизи (بنت السلطان) ёки камбағал қиз (الفئة البدوية) бўлади. Баъзан эса у султоннинг ягона қизи сифатида кўрсатилади. Бу ерда “ягона” деган эпитет қаҳрамоннинг алоҳидалигини таъкидлайди.

Араб эртакларида аёл, аввало, она сифатида тасвирланади. У барча қийинчиликларга қарамай фарзандларини тарбиялайди (эридан айрилгандан кейин ҳам) ва фарзандлари учун яшайди, бошқа эртакларнинг таклифларини рад этади.

Агар аёл қаҳрамон ёш бўлса, у одатда гўзал қилиб тасвирланади ва қуйидаги эпитетлар қўлланилади:

Қиз – فتاة

Бокира – بكر

Гўзалликни ифодаловчи эпитетлар жуда кўп:

Қиёфа – هيئة

Гўзаллик – حسن

Гўзаллик – جمال

Гўзал – جميلة

Пари — جنية

Энг гўзал – أجمل الناس

Жозибали – حسناء

Гўзал – مليحة

Гўзал сифатларга эга – مليحة الأوصاف

Ширин – حلوة

Сирада аёл қаҳрамон образи тасвири кўпроқ поэтик тарзда берилади:

“Унинг қараши оҳу қарашига ўхшар, овози эса сеҳрли садодек жарангларди, пешонаси ой нуридек, юзи эса қуёш ва ой каби порларди”.

Сира ва эртақда аёл гўзаллиги бир хил қолип (шаблон) орқали тасвирланади.

Сирада аёл қаҳрамонга берилган эпитетлар эркак қаҳрамонга нисбатан бойроқдир. Бу ўша давр дунёқарашига боғлиқ бўлиб, эркак олий мавжудот деб ҳисобланган (масалан, шер билан таққосланади).

Сирада қаҳрамон портрети батафсил тасвирланади. Масалан:

Кўзлари оҳу кўзларига ўхшайди

ёки юзи Сулаймон муҳри каби гўзал

Эртақларда эпитетлар камроқ ва соддароқ бўлади. Эртақларда қаҳрамон аёл образи кўпинча ҳайвонларга қиёсланади, бу эса унинг гўзаллигини рамзий ифода этади.

Кўпинча у гўзал ҳайвонларга қиёсланади:

Антилопа – رشا

Оқ антилопа – ريم

Ғазал – غزال

Эчкича – جدي

Кабутар – حمامة

Кўзичоқ – حمل

Қарчиғай – باشق

Ўрдақ – بطة

Булбул – بلبل

Шунингдек, аёл қаҳрамоннинг ҳис-туйғуларини ифодаловчи эпитетлар ҳам бор:

Севувчи – محبة

Содиқ – أمينة

Ошиқ – عاشقة

Маҳлиё – غرامه

Ишқ – غرام

Бутунлай берилиб кетган – كلفة

Муҳаббатдан маст – محبوبة

Бемор (ишқдан) – مريضة

Хулоса қилиб айтганда, Арабистон ярим ороли сеҳрли эртакларида аёл қаҳрамонга оид эпитетлар унинг гўзаллиги, келиб чиқиши ва ижтимоий ҳолатини кўрсатади. Индивидуал хусусиятлар деярли акс эттирилмайди. Сира жанрида аёл қаҳрамон тасвири батафсил ва поэтик тарзда берилади. Унда ташқи кўриниш майда деталлар билан кенг ёритилади. Эртакларда эса эпитетлар соддароқ ва қисқача бўлиб, кўпроқ умумлаштирилган характерга эга.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Abdul Karim Juhayman. (1980). Folk myths from the Arabian Peninsula. Asatir ash sha'biyyati min shibhi jaziratil arab. (in Arabic)
2. Brown, L. M. (2019). The Role of Hyperbole in Enhancing Storytelling in Fairy Tales. *Folklore and Mythology Review*, 45(1), 77-89.
3. Ibragimov, N.I. (1984). Arabian folk novel. *Arabskiy narodniy roman*. – Moscow. – 256 p. (in Russian)
4. Meletinskiy, E.M. (1958). The hero of a fairy tale. *Geroj volshebnoj skazki*. – Moscow. –171 p (in Russian)
5. Mukhtarov, T.A. (1992). *Essays on Medieval Arabic Prose. Ocherki srednevekovoj arabskoj prozy*. – Tashkent. – 93 p. (in Russian)
6. Mutalova G.S. (2025). The image of a women in the Arab oral stories. *Arablar og‘zaki rivoyatlarida ayol siymosi // Oriental Journal of Philology*. –V. 5(3). – Pp. 214-222.
7. SHAMUSAROV, S. G., MUTALOVA, G. S., SAIDOVA, N. M., MUHIDDINOVA, D. Z., ABDULLAEVA, D. S., & UMAROVA, N. I. (2025). IDEOLOGICAL AND AESTHETIC EXPLORATION IN CONTEMPORARY REALIST SHORT STORIES (LATE 20TH-EARLY 21ST CENTURIES). *TPM–Testing, Psychometrics, Methodology in Applied Psychology*, 32(S8 (2025): Posted 05 November), 1912-1921.
8. Smith, J. A. (2017). Figures of Speech in Folk Narratives: An Analysis of Epithets and Similes. *Journal of Literary Studies*, 34(2), 112-128. 2.
9. Veselovskiy, A.N. (1989). *Historical Poetics. Istoricheskaya poetika*. – Moscow. (in Russian)

10. Zaynutdinova, S. (2025). The descriptive function of epithet, simile and hyperbole in fairy tales / DEVELOPMENT OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN MODERN SCIENCES, 4(6). – Pp. 184-187. <https://zenodo.org/records/15515429>